



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДА МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИ

1 Султонов Жалоладдин

Баходир ўғли

2 Утепов Дилмурод

Шералиевич

¹Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим 3-ўқув курси 310-гуруҳ курсанти

²Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник.

Abstract

Ушбу тадкиқот мавзусининг долзарблиги, илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилатикаси чора-тадбирларининг тушунчаси ва аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, ташкилий-хуқуқий асослари, илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш фаолияти буйича бошқа хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари, шунингдек, юкорида келтириб ўтилган жихатлари ҳамда такомилаштириш йўналишлари ёритиб ўтилган.

Keywords : хуқуқбузар, маҳсус профилатика, илгари судланган шахслар, маҳсус профилатикаси чора-тадбирлари.

Калит сўзлар: хуқуқбузар, маҳсус профилатика, илгари судланган шахслар, маҳсус профилатикаси чора-тадбирлари.

Ключевые слова: преступник, специальная профилактика, ранее судимые, специальные профилактические меры.

Профилактика инспекторлари илгари судланган шахслар билан хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси – бу профилактика инспекторларининг ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини ИИВ ва ҳудудий ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг норматив хуқуқий ҳужжатлари асосида, жумладан, «Назорат», «Ижро», «Хавфсиз шаҳар» ва бошқа маҳсус, тезкор профилактик тадбирларни амалга ошириши тушунилади.

Маъмурий назоратда турган илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирлари профилактика инспекторларига алоҳида масъулият юклайди. Чунки, мазкур тоифа шахслар хуқуқбузарликни содир этиш эҳтимоли бошқа тоифаларга қараганда юқорироқ бўлади. Шунинг учун улар билан профилактика ишларни

амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим турдаги шахслар устидан маъмурий назорат туғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назоратини белгилаб берувчи норматив-хукуқий хужжатига асосан амалга оширилади. Шахс жиноий жазони ўташ даврида ахлоқан тузалиш йўлига кирмай жамиятга зид турмуш тарзини юритса ҳамда унга нисбатан жазони ижро этувчи муассаса маъмурияти томонидан олиб борилган тарбиявий характердаги тадбирлар самарасиз бўлса, бундай шахслар тоифаси билан жазони ўташ жойларидан озод бўлгандан кейинги жараёнида ҳам уларни тарбиялаш ва ахлоқан тузалиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, хусусан «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги» қонуни ва Ички ишлар вазирлигининг меъёрий хужжатларида белгилаб берилиган тартибда профилактик тадбирлар давом эттирилади ҳамда профилактик ҳисобга қўйилади. Чунки бир ёки бир неча марта судланган, жазони ўташ пайтида тузалиш йўлига кирмаган, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшаб чиққандан кейин ҳам жиноий фаолиятини давом эттиришни мўлжаллаётган ва жамиятга зид турмуш тарзини юритувчи шахсга алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда уларнинг жиноят содир этишдаги ўзига хос усуслари, жиноий алоқалари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, улар тўғрисидаги маълумотлар бўйича мутасадди хизматлар билан ахборотлар алмашиб туриш лозим бўлади. Бу эса илгари судланган шахслар томонидан жиноий фаолият такroran бошланиш ҳолатларини олдини олиш ва унинг жамиятга зид хулқ- атворига чек қўйиш ҳамда уларга нисбатан ўз вақтида қонуний чоралар кўриш имкониятини беради ва шу мақсадда илгари судланган шахсларнинг хулқ- атвори, турмуш тарзи уларнинг яшаш ва иш жойларида назорат қилиб борилади. Зеро, «жамиятда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, айниқса ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, биринчи марта жиноят содир қилиши мумкин бўлган шахсларни жиноят содир қилиш- дан тўхтатса, жиноий фаолиятни ҳаёт кечиришининг асосий манбай деб ҳисоблайдиган илгари судланган шахслар томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўз вақтида аниқлаш имкониятини яратади».

Илгари судланган шахсларнинг асосий қисми озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаб чиққан шахслар ҳисобланади. Озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларнинг хулқ-атвори устидан қонуний тартиб қатъий равищада ўрнатилиши ва унга нисбатан хукуқий чеклашларнинг қўлланиши натижасида, унинг мустақил ҳаракат қилиш малакаси сусайиб, ўз тақдирига бефарқлик ва боқимандалик хусусияти шаклланади. Иккинчидан, шахснинг узоқ муддат давомида жазони ўташ жойларида бўлиши уни оиласи, яқин кишилари билан ижтимоий алоқаларининг узилиб қолишига олиб келади ҳамда у жазони ўташ жойидан бўшаб чиққандан кейинги даврда яшаш учун уй-жой, иш топишида муайян қийинчилик ва муаммолар туғдиради. Учинчидан, жазони ўташ жойларидағи нохуш анъаналар ҳам шахснинг асабини издан чиқариб, унинг тарбияси ва ахлоқан тузалишига салбий таъсир этади ҳамда уларни яна қайта

жиноятлар содир этишига олиб келади. Бундан ташқари, жазони ижро этиш муассасаларида фаолият юритувчи ходимлар томонидан маҳкумларни тарбиялаш ва тузатиш жараёнида ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларини (жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режим), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар таълими, қасб тайёргарлиги ва жамоат таъсири) қўллашда йўл қўйиладиган камчиликлар натижасида «маҳкумлар шахсида салбий жиҳатларнинг сақланиб қолишига, умумхуқукий қадриятлар сингдирилмай шакллантириш мақсадида ички ишлар органлари томонидан муайян даражадаги профилактик ишларни олиб борилиши тақозо этилади.

Бугунги кунда профилактика инспектори илгари судланган шахслар ўртасидаги хукуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чоратадбирларида, шунингдек худудда истиқомат этувчи аҳолининг хукукий маданиятини шакллантириш, уларга хукукий ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, ёшларни бандлигини таъминлаш ишларини олиб боришда катта имкониятларга эга. Табиийки, профилактика инспектори илгари судланган шахслар ўртасидаги хукуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси фаолияти йўлга қўйилган дастлабки йилларда унинг моҳиятини тушуниш, мақсади ва вазифаларини белгилаб олишда турли ёндашувлар ва ўзига хос қийинчиликлар кузатилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг илгари қабул қилиниб, сўнgra янгисига алмашган ва амалдаги буйруқларида, олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида «илгари судланган » тушунчасига турлича таъриф бериш, унинг моҳиятини турлича талқин қилиш ҳоллари кузатилди.

Профилактика инспекторлари томонидан илгари судланган шахслар билан профилактик ишларни ташкил этишда улар жазони ўтагандан сўнг турли чоратадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги, уларни яна ўз жиноий фаолиятини давом эттиришга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида фуқаролар хафсизлигига ва жамият тараққиётiga жиддий хавф туғдиради. Шу нуқтаи назардан қайта жиноят содир этиб, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшаб чиққан илгари судланган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларини самарали қўллаш, уларни озодликка чиққанларидан кейинги дастлабки даврда жамиятга ижтимоий кўнишиб олишларига ёрдам бериш, шунингдек хулқ-атвори устидан назорат олиб бориш билан бирга ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш юзасидан ёрдам беришни чора-тадбирлари ва амалга ошириш талаб этилади

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Мирзиёев Ш.А Нияти улуғ халқнинг иши хам улуғ, хаёти ёруғ ва келажагфаровон бўлади Т.Ўзбекистон 2021 йил.
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр.
- Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айrim тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги 532-сонли қонуни Ўзбекистон